

Ёлфоннинг таърифи



09:45 / 22.10.2018 2268

«Ёлфон» сўзи араб тилида «кизб» дейилади ва луғатда ростнинг тескарисини англатади.

Уламолар ёлфонни қуйидагича таърифлайдилар:

Журжоний: «Ёлфон – хабарнинг воқеликка тўғри келмаслигидир», деган.

Ибн Ҳажар: «Ёлфон – бир нарса ҳақида қасддан бўлсин, ноқасддан бўлсин, унга хилоф нарсани гапиришдир», деган.

Ёлфон сўзда бўлиши билан бирга, амалда ҳам бўлади. Бунда ёлфончи бўлмаган нарсани бўлган қилиб кўрсатиш учун ҳийла қилади. Ёки унинг акси бўлиб, бўлган нарсани бўлмаган қилиб кўрсатишга уринади.

Қуръони Каримнинг Юсуф сурасида бунга далил бор:

«Кечқурун йиғлаган ҳолларида оталарига келиб: **«Эй отамиз, биз Юсуфни нарсаларимиз олдига қолдириб, ўзимиз қувлашиб кетсак, уни бўри еб қўйибди. Агар ростгўй бўлсак ҳам, сен бизга ишонмассан»**, дедилар. Ва унинг ёлфон қонга бўялган кўйлагини келтирдилар» (16–18-оятлар).

Юсуф алайҳиссаломнинг ўғай акалари Юсуфдан қутулиш мақсадида уни қудуққа ташладилар.

Бундай бемаза ишларни қиладиган ҳар бир шахс ўз қилмишларини яшириш учун дастлаб айюҳаннос солади. Мана шу одатга кўра, улар ҳам оталарига ўзлари тўқиб қўйган ёлғонни ишлатдилар. Ҳийла қилишда оталарининг уларга ҳадиксираб айтган гапидан фойдаландилар. Яъқуб алайҳиссалом: «Сиз ундан ғофил қолганингизда уни бўри еб кетишидан қўрқаман», деган эдилар. Улар бу ҳоллари билан «Биз ёшлик қилибмиз, сенинг гапингга кирсак бўлар экан, худди айтганингдек бўлди, биз ўйинга берилиб кетиб, ғофил қолибмиз, Юсуфни бўри еб кетибди», демоқчи бўлишди ва бу гапнинг орқасидан:

«Агар ростгўй бўлсак ҳам, сен бизга ишонмассан», дедилар».

Бу ҳам қиларини қилиб қўйиб, баҳона ахтарганларнинг услубларидан биридир.

Улар ҳам сўз ила, ҳам амал ила ёлғон тўқишди.

Ўғиллар оталарини ишонтириш мақсадида ашёвий далил учун Юсуфнинг кўйлагини ёлғондан қонга бўяб олиб келишди. Аммо Аллоҳнинг пайғамбари Яъқуб алайҳиссалом гап нимада эканини тушундилар. Юсуфни бўри емагани ҳам у кишига аён бўлди.

Ёлғоннинг сабаблари

Кишининг ёлғон ишлатишига бир неча сабаблар бор:

- 1.** Фойда жалб қилиш. Ёлғончи ўзига фойда етишини кўзлаб, одамларни алдаб, ўз манфаати учун ёлғон гапирди.
- 2.** Зарарни қайтариш. Ёлғончи ўзига етиши мумкин бўлган зарарни қайтариш мақсадида ҳам ёлғон тўқийди.

У ўзича шу тўғри йўл, деб ўйлайди. Аммо икки ҳолатда ҳам ўзига бу дунё ва охираат зарарини жалб қилаётганини ўйламайди.

- 3.** Сўзни ва гапни чиройли чиқаришга уриниш. Бунда ёлғончи тўғри сўз ва рост гап ила одамларга ёқиш, уларнинг эътиборини тортиш имкони йўқ бўлганидан, уларга ёқадиган гап-сўз излаб, ёлғон тўқийди.

4. Душмандан ўч олиш мақсади. Бунда ёлғончи душманини шарманда қилиш ва ундан ўч олиб, кўнгли тўлиши учун ёлғон тўқийди.

5. Ўз обрўсини орттириш мақсади. Бунда ёлғончи ўзини аҳли фазл, олим, уддабурон қилиб кўрсатиб, мақтаниш учун ёлғон тўқийди.

6. Ёлғон гапириш одатига айланиб қолгани ва нафси шу нарсани истайдиган бўлиб қолгани сабабли бу ишни қиладиганлар ҳам бор.

Ёлғоннинг турлари

- Асли йўқ нарсани тўқиш.

- Бор нарсага маънони ўзгартириб юборадиган даражада қўшимча қўшиш.

- Бор нарсага маънони ўзгартириб юборадиган даражада нуқсон етказиш.

- Бор нарсани гапираётганда маънони ўзгартириб юборадиган даражада ибораларни ўзгартириш.